



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзаро келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида 24 апрель куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан қайд этдилар.

2017 йилнинг 22-23 март кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини амалий мазмун билан бойитди ва ўзаро ҳамкорлигининг янги истиқболларини белгиллаб берди.

Томонлар яқин йилларда қулай шароитлар яратиш, бизнес субъектлари ўртасида бевоқиф ва узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга қўмаклашиш, транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятини ошириш ҳисобидан ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш ҳақидаги мўлжални тасдиқладилар. Худудлараро, авваламбор, чегараолди худудлар ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-гуманитар муносабатларни фаоллаштириш қўллаб-қувватланди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ўзаро ҳамкорлигининг барча йўналишларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон қардош халқларимизнинг вақт синовидан ўтган муносабатларига амал қилган ҳолда, бундан буён ҳам мамлакатларимиз барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни қайд этдилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатга оид айрим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига хос самимий ва дўстона, ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республикаси Президенти Тони Тан Кенг Ям давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик йўллаганлар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз қутловида ўтган даврда «узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлиқни йўлга қўйишда сезиларли натижаларга эришилди», «Ўзаро сиёсий мулоқот, жумладан, халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар, савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда», деб мамнуният билан таъкидлаган.

Ўзбекистонда юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан мамлакатимизни модернизация қилиш ва технология янгилашга ҳисса қўшаётган Сингапур компанияларининг самарали фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти муваффақиятли фаолият юритмоқда, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрламоқда.

Сингапур Президентининг қутловида бундай дейилади: «Сингапур ва Ўзбекистон 20 йилдан буён ҳам ўзаро муносабатларда, ҳам халқаро майдонда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашулар мунтазамлик касб этган. Ўзбекистонда Сингапур олий таълим муассасалари ва компаниялари фаолият юритмоқда. Доимий сиёсий ва иқтисодий мулоқотлар Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва яқин ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир».

Президент Тони Тан Кенг Ям қутловида «Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан ҳамкорлик қилиш имкониятини қутиб қоламан», деб таъкидлаган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида

Истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш, замонавий тежамкор ва энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этиш асосида иссиқлик таъминоти тизимининг асосий фондларини янгилаш ва модернизациялаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Куйидагилар республикада иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари этиб белгилансин: иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш йўли билан кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш; жисмоний ва маънавий эскирган тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини алмаштирилган ҳолда ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш;

энергия ресурслари истеъмол қилиниши ва ишлаб чиқарилишининг меъёри бўйича ҳисобга олинишни ташкил этиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизмати ҳақини ҳисоблаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш; ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига йўл қўймаслик ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда меъёридан ортиқча нобудгарчиликларни камайтириш ҳисобига сарф-харажатларни қисқартиришга йўналтирилган иссиқлик таъминоти тизимида ягона техник сиёсатни амалга ошириш.

2. 2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин, у куйидагиларни ўз ичига олади:

2018-2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, жумладан, гелиоқурилмаларни қўллаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш комплекс тадбирлари 6-иловага мувофиқ.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари — Дастурнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши учун масъул бўлган ижро этувчи органлар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой

коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Кўп хонадонли уйлар ва иссиқлик таъминоти объектлари қуриш бўйича ишнинг компанияси — Дастур доирасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

«Иссиқликэлектрлойд» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «Ўзинжиниринг» лойиҳа институти — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотлари ҳисобланади.

4. Куйидагилар тасдиқланган Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари сифатида:

а) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш қисмида;

ижтимоий соҳа объектлари учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари;

кўп хонадонли уйлар учун — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, пудрат ташкилотларининг маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

б) маҳаллий қозонхоналарни ҳамда иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун — иссиқлик таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобига марказлаштирилган инвестиция маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг маблағлари;

в) хонадонлар ички яқка тартибда иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш учун — турар жой ва нотурар жой хоналари мулкдорларининг маблағлари, шунингдек, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари;

г) маҳаллий қозонхоналар ва иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш доирасида лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари (техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари)ни ТИА (ТИХК) ишлаб чиқиш учун — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетни ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

д) маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Иссиқликэлектрлойд» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «Ўзинжиниринг» лойиҳа институти, «ТошуйжойЛИТИ» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 сентябрга қадар маҳаллий қозонхоналарни, иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкция

қилиш бўйича лойиҳаларнинг ТИА (ТИХК) ишлаб чиқишини ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини ҳамда маҳаллий қозонхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишини ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

лоийҳаларнинг ТИА (ТИХК) ва лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқланиши натижалари бўйича Дастур доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган пудрат ташкилотларини тегишли тажрибага, техник ва молиявий салоҳиятга эга бўлган ташкилотлар орасидан тендер (танлов) асосида аниқлаш, бунда тендер (танлов) ҳужжатларида маҳаллий қозонхоналар қуриш ва кейинчалик уларга таъмирлаш-сервис хизмати кўрсатиш назарда тутилсин.

6. Дастурни амалга ошириш доирасида бир босқичли тартибда лойиҳаларнинг ТИА (ТИХК)ларини тасдиқлаш билан бирга лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқишга рухсат берилсин.

7. Лойиҳада энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар ёки хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимидан фойдаланиш назарда тутилмаган янги қурилаётган кўп хонадонли уйлар, шунингдек, ташкилотлар ва идораларнинг бинолари бўйича архитектура-режалаштириш топшириқларига розилик бериш қатъиян таъкидлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Халқаро қуёш энергияси институти билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизими, қуёш коллекторлари билан бирга лойиҳалаштирилган объектларнинг энергия самарадорлиги бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини, шунингдек, қуёш коллекторларини тайёрлаш, синаш ва қўллаш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сонли қарори билан тузилган Республика энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комиссияси зиммасига (А.Н.Арипов) куйидаги вазифалар юклансин:

Дастурни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ҳамда ускуналарни жорий этиш бўйича, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг Дастур амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чорада эшитиб бориш;

Дастур параметрларига асосли ўзгартиш ва аниқликлар киритиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни ҳисобидан марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини ишлаб чиқишда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда энергия самарадорлиги юқори маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари белгиланган тартибда, мансублиги бўйича қурилаётган маҳаллий қозонхоналарга зарур муҳандислик ва коммуникация тармоқлари тортилишини, шунингдек, табиий газ, электр энергияси ва совуқ сув узлуксиз бериб турилишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Саноат-геоконтехназорат» ДИ, «Ўздавнефтегазинспекция» ДИ, «Ўздавэнергоназорат» ДИ билан биргаликда маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимлари ўрнатилиши ва фойдаланишга қабул қилиниши устидан доимий назоратни таъминласинлар.

14. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар 2023 йилнинг 1 январига қадар боғжона тўловлари тўлашдан (боғжонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 апрель

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили



МУАММО ВА ЕЧИМ: УЛАР БИР-БИРИГА ЖУДА ЯҚИН

Бунни билиш учун одамлар қалбига қулоқ солиш, жойларда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиш керак

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Паркент ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари аҳолиси учун ташкил этилган сайёр қабулга келганларнинг ҳаммасини залга сидириш қийин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектлари учун қулай шарт-шароит яратишда иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўйича узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатиш энг муҳим омиллардан бири саналади.

Мамлакатимизда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950-1970 йилларда очик сув тақсими ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган.

Монтаж қилишда кам маблағ сарфланадиган, аммо фойдаланишда катта миқдорда маблағ талаб қиладиган бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларининг ўзига хослиги ички иситиш тизими ва иссиқлик тармоқлари қувурларининг хизмат қилиш муддати қисқалиги, иссиқликни ишлаб чиқариш, транспортировка ва истеъмол қилишда эксплуатация харажатларининг юқорилиги, тармоқлар орқали сув узатиш ва иссиқлик қуввати таъминотида белгиланган меъёрдан ортиқ маблағ сарфланиши билан ифодаланади.

Бугунги кунда қозонхона ускуналари ва тармоқларнинг ўта эскиргани сабабли, мавжуд иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик манбаларидан мақбул даражада фойдаланишнинг имкони бўлмаган, бу эса иссиқлик таъминоти корхоналари фаолиятига, истеъмолчиларни иссиқлик хизмати ва иссиқ сув билан таъминлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Марказлаштирилган иссиқлик таъминотида узилган айрим кўп хонадонли уйлар кўпича сертификатга эга бўлмаган ва ёнган хавфсизлиги кафолатланмаган газ ва электр ускуналари билан иситилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимини замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилиш, ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни илчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қарор билан мамлакатимизда иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантириш бўйича қуйдаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурс тежайдиган янги технология ва ускуналарни, жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш;

кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимини энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш орқали ривожлантириш;

жиомоний ва маънавий эскирган, тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини, ишдан чиққан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш, алмаштириш; энергия ресурслари истеъмоли ва ишлаб чиқарилишини меъёр бўйича

ҳисоблашни амалда қўллаш, истеъмолчиларни ҳамда иссиқлик таъминоти хизматларини ҳисоблаш ва тўловларни амалга оширишга автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий қилиш.

Қарорда 2018-2022 йилларда марказий қозонхона, иссиқлик тармоқлари, маҳаллий қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган, жумладан, гелиоқурилмаларни қўллаш орқали маҳаллий қозонхоналар қуриш, хонадонларга яқка тартибда ички иссиқлик таъминоти тизимини ўрнатиш параметрлари, шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ушбу қарорда Дастурнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари масъул этиб, шунингдек, иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш (ишлаб чиқариш, ташиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш)нинг барча босқичлари иноватга олинган ҳолда лойиҳаларни амалга оширишга комплекс ёндашувни кўзда тутувчи иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланди.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, пудрат ташкилотлари маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,7 триллион сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Қарорда маҳаллий қозонхоналар ва хонадонлар ичидаги яқка тартибдаги иссиқлик таъминоти тизимининг энергия самарадорлиги бўйича шаҳарсозлик меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш, бино ва иншоотлар лойиҳасида уларга қуёш коллекторлари ўрнатиш, шунингдек, қуёш коллекторларини тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва қўллашга доир давлат стандартларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар, хонадонларга яқка тартибда ўрнатиладиган ички иссиқлик таъминоти тизимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда уларни Санаят кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг ижро этилиши: **биринчидан**, шаҳар ва туман марказларида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун ижтимоий-маиший қулай шароитлар яратиш;

иккинчидан, барча тоифадаги истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш;

учинчидан, самарадорлиги юқори бўлган қозонхона ва насос ускуналарини ўрнатиш, шунингдек, замонавий технологияларни қўллаш ҳисобидан табиий газ ва электр энергиясини тежаш имконини беради.

Муносабат

Ҳаётимизнинг фаровонлик даражаси, турмушимиз сифатини кўрсатадиган муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, уй-жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқлигини ҳеч ким инкор этмас керак. Агар уйимизда бир кун чироқ ёки газ бўлмаса, қанчадан-қанча ноқулайликларни сезамиз. Қиш кунлари иссиқлик энергияси жонимизга оро қиради. Демак, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланиши аҳоли турмуш даражасига катта таъсир қилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими янада яхшиланади

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқариш янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини одамлар катта эътибор билан қўлиб олди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлиmlари ташкил этилди.

Янги вазирилик уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик асосида кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштириш, кўп хонадонли уйларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини техник назорат қилиш бўйича самарали тизимни шакллантириш, аҳолига сифатли уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тубдан яхшилаш, шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тузилган. Бу эзгу ишлар фақат ва фақат инсонларнинг манфаати ва ҳаётини эҳтиёжлари билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, десак тўғри бўлади.

Очиғи, кўп қаватли уйларда уй-жой хўжалиги ва коммунал соҳада ечимини қўлга келтириш масалалар борлигидан кўз юма олмаймиз. Совуқ сув ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, кўп қаватли уйларнинг яқин атрофларида санитария нормалари, гигиена талабларига тўлиқ жавоб бермаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунингдек, аҳоли сифатли ичимлик суви ва марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан етарли даражада таъминланмапти. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида ҳам камчиликлар оз эмас. Бу каби муаммоларни бартараф этиш, коммунал соҳани ривожлантиришда ушбу Фармоннинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Биргина мисол, ўтган йили айнан уй-жой ва коммунал хизматлар масалалари бўйича партия-миз Жамоатчилиги қабулхоналарига фуқаролардан қирққа яқин мурожаат келиб тушганди. Мазкур мурожаатларни ўрганиш давомида соҳа ривожига тўқинлик қилаётган бир қатор камчиликлар аниқланиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия-миз гуруҳи йиғилишида кенг муҳокама этилди.

Ўтган йили партия-миз Ҳаракат дастури асосида шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари томонидан Мирзо Улуғбек туманида аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, уй-жой бинолари ва иссиқлик энергияси истеъмолини белгиланган меъёрлар ва стандартлар талаблари даражасида таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Назорат-таҳлил жараёнида маълум бўлдики, айрим хонадон эгалари томонидан кўп қаватли уйнинг ички ва ташқи ҳолатларига, иситиш, алоқа ва бошқа тизимларга ўзбошимчилик билан ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, бинонинг юк кўтарувчи деворларидан эшиклар очиш, хоналарни кенгайтириш, вертикал вентиляция шахталарни беркитиш, иситиш системалари ўрнини алмаштириш каби ҳолатлар кўп учраб турибди. Бундан ташқари, кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминоти, канализация ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳам тез-тез кўзга ташланади. Шу сабабли уй-жой муносабатларини тартибга солиш долзарб масалага айланиб қолган.

Мазкур масаланинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ушбу Фармонда вазирлик таркибиде Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларини, биринчи навбатда, кўп хонадонли арзон уй-жой фонди, сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, капитал ҳамда жорий таъмирлаш, махсус техника ва ускуналар, машина ва механизмлар билан таъминлаш ҳамда бошқа мақсадларга йўналтириш кўзда тутилган. Демак, истеъмолчиларга сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш ишлари янада тақомиллашди, муаммолар бартараф этилади, бундан аҳоли манфаат кўради.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратишимиз керак. Кўпқаватли уйларда асосан партия-миз электроти вакиллари истикомат қилади. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлардан улар кўпроқ азият чекади. Шундай экан, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари аъзолари партия Сайловолди дастури билан узвий боғлиқ бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, фаол иш олиб бориши талаб этилади.

Шахноза МИРРАХИМОВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Қонун ва шарҳ

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жамиятда адолат муҳитини қарор топтиришдан иборатдир.

Хусусан, Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, янги қонунлар туб замирида ҳам ана шу улуг мақсад ётибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 28-29 март кунлари ўтказилган тўққизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти ҳам инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тахтақўпир туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Айсенам АЛЛИЯРОВА билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— **Аввало, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг жамият ҳаётидаги аҳамияти хусусида тўхталсангиз?**

— Мамлакатимизнинг Асосий Қонунига тузатишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан тақомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари асосида ишлаб чиқилган.

Конституциявий ўзгаришлар

мамлакатимизда суд тизимини янада чуқур ислох қилиш, демократлаштириш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун асос яратди.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 112-моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу тузатишларга мувофиқ Олий ҳўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бириштирилмоқда. Шунингдек, суд тизимида иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этилмоқда.

— **Эндиликда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий судлар томонидан амалга ошириладими?**

— Олий суд тизимида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари гайриқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикасини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ҳамда туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилади. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган



маъмурий, иқтисодий, бозор ислохотларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш самарадорлигини ошириш, хусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик фаолиятини судда ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий низоларни, шу жумладан, давлат органларининг ҳаракатларига ёки ҳаракатсизлигига, қарорлари устидан фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг берган шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг тузилиши фуқароларнинг, юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини тубдан оширади.

Суд-ҳуқуқ тизими ислохоти мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд тизими қурилишининг янги концепциясини амалда жорий этишга қаратилган билан аҳамиятли, албатта.

2017 йил март ойида «Тахтақўпир», «Даукара» овул фуқаролар йиғинида, «Айдинжол» маҳалла фуқаролар йиғинида учрашувлар ўтказилиб, унда йил бошидан буён содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш борасида суҳбатлар ўтказилди.

— **Мажлисида истироҳат боғлари, шунингдек, бошқа кўнгилочар масканларда ўрнатилган юқори технологияли аттракционлардан фойдаланувчилар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Бош вазирга парламент сўровини юбориш масаласи ҳам кўрилди. Бунинг сабаби нимада?**

— Бугун ҳаётимизни замонавий техника ва технологиялар-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришдан тортиб, ҳатто маданий ҳордик чиқаришимизга-ча замонавий технологиялар шиддат билан кириб келмоқда.

Шу боис мамлакатимизга хориждан келтирилаётган мураккаб технологияли аттракционларни ишлатишга ва таъмирлашга масъул ташкилотларни белгиладиган норматив ҳужжатлар яратиш лозим. Шунини инобатга олиб, истироҳат боғларида, кўнгилочар масканларда ўрнатилган юқори технологияли аттракционлардан фойдаланувчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Бош вазирга парламент сўрови юбориш ташаббуси илгари сурилди.

Қонунчилик соҳасидаги бу янгилликлардан кўзланган мақсад фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдир.

Иноват НОМУРОВОВА
суҳбатлашди.

Конституциявий ўзгаришлар мамлакатимизда суд тизимини янада чуқур ислох қилиш, демократлаштириш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун асос яратди.

МУАММО ВА ЕЧИМ: УЛАР БИР-БИРИГА ЖУДА ЯҚИН

Буни билиш учун одамлар қалбига қулоқ солиш, жойларда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганиш керак

Президентимиз виртуал қабулхонасига қилинган мурожаат бўйича жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар одамларда тобора катта қизиқиш уйғотиб, уларнинг ишончини қозонмоқда. Эшитган бошқа, кўрган бошқа экан. Бунга ўзим гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Паркент ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари аҳолиси учун ташкил этилган сайёр қабулга келганларнинг ҳаммасини залга сиғдириш қийин бўлди.

Муаммосига ечим, дардига дармон излаб келган одамларнинг юз-кўзига дадиллик ва ишонч кўрдим. Ҳар бир соҳага масъул бўлган туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги раҳбарлар ҳам шу ерда ҳозир. Уларнинг ҳаяжонланаётганлари ҳам табиий. Мақсад битта: аҳолини ўйлантираётган масалаларни шу ернинг ўзида ҳал этиш.

Жорий йилнинг 14 апрель кунига қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига иккала туман аҳолисидан 4 минг 660 дан ортиқ мурожаат тушган. Паркент тумани аҳолисидан тушган 1 минг 744 мурожаатнинг 1 минг 603 таси кўриб чиқилган, 141 мурожаат кўриб чиқилиш жараёнида.

Мурожаатларнинг 2 минг 900 дан ортиғи Юқори Чирчиқ тумани аҳолисидан бўлиб, бугунги кунда уларнинг 93,7 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода. Мурожаатлар асосан уй-жой, банк-молия, моддий ёрдам, иш ҳақи ва пенсия, судларда ишлар кўрилиши, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиги, меҳнат ва бандлик, соғлиқни сақлаш, таълим, электр энергия, табиий газ таъминоти каби йўналишлар билан боғлиқ. Сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Марказий банк, Бош прокуратура, Ички

ишлар, Фавқулудда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Молия, Меҳнат, Адлия вазирликлари, давлат қўмиталари вакиллари, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари ҳокимликлари масъул ходимлари иштирокида масъул мурожаатлар бевосита муҳокама қилиниши алоҳида таъкидланди.

Сайёр қабул бошланди. Ўз муаммоси билан келган ҳар бир фуқаро мурожаатнинг моҳиятини тушунтиради. Муаммо қайси идора, корхона ёки ташкилотга тегишли бўлса, унинг туман, вилоят, республика даражасидаги раҳбарлари биргаликда муаммага ечим топади.

Паркентлик Анзират Маҳмудова моддий ёрдам олиш ва саломатлигини тиклаш учун шифохонага йўланма беришларини сўраб мурожаат қилган. Аммо туманда шу пайтгача бу мурожаат эътиборсиз қолдирилган.

Шу ернинг ўзига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Эльмира Боситхонова Анзират Маҳмудова билан учрашиб, шу бугунгунча даволаниш учун йўланма ажратилишини айтди. Шунингдек, моддий ёрдам масаласида ҳам тегишли ташкилотларга кўрсатма берилди.

— Кўрдингиз, бугунгунча Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирига йўланма беришди, — дейди 77 ёшли Анзират Маҳмудова. — Давлатимизнинг шундай эътиборидан кўнглим ёришиб кетди. Бунинг учун шундай савоб ишлар бошида турган кишилардан миннатдорман.

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига паркентлик Ҳайитбой Ҳақимов туман ИИБ ходимларининг хатти-ҳаракатла-

ридан норози бўлиб, қонуний чора қўришни сўраб мурожаат қилган. Маълум бўлишича, шу йилнинг февраль ойида ИИБ ходимлари Ҳайитбой Ҳақимовнинг уйида ноқонуний тинтув ўтказган.

Ички ишлар вазири ўринбосари, вилоят ИИБ бошлиғига мазкур ҳолатни ўрганиш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол қилган ички ишлар идораси ходимига нисбатан тегишли чора қўриш бўйича топшириқ берилди.

Паркент тумани ҳокими Ўқтам Алимовнинг сўзларига кўра, туман аҳолиси мурожаатларнинг аксар қисми оилавий аришлар, меҳнат ва бандлик, ишга жойлаштириш, тиббий ёрдам олиш сингари масалалардан иборат экан.

Биз ана шу мурожаатлар асосида қайси йўналишга кўпроқ эътибор бериш кераклигини аниқлаб олаёلمиз — дейди ҳоким. Туманимизда узумчилик яхши ривожланган, бироқ, уни тўғридан-тўғри чет элга экспорт қилишда яхши кўрсаткичларга эриша олаёلمиз. Ана шу йўналишда кўпроқ ишласак, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги қатор масалалар ҳал этилган бўларди. Аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш кўпроқ маҳаллий ҳокимликларга боғлиқ эканини яхши тушунамиз. Бу борадаги камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Юқори Чирчиқ туманидан ҳам 100 нафарга яқин аҳоли ўз муаммоларига ечим излаб, сайёр қабулга келишган.

Шу туманнинг «Болта» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Турғунбой Пирматов ўз яшаш манзили яқинидан ўтган серкани йўлга светофор ўрнатишларини сўраб мурожаат қилган. Бу масала туман ички ишлар идораси мутасаддилари томонидан қаноатлантирилди.

Бахтиёр Ўсановнинг ишга жойлаштириш масаласида қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ускенбай Атемов уй-жой олиш ва уй-жой қуриш учун ер ажратиш билан боғлиқ масалалар мурожаатларнинг катта қисмини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

— Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатлар туман ҳокимлиги доирасида ҳали қиладиган ишларимиз кўпчилигини кўрсатади, — дейди у. — Мана шу мурожаатлардан тўғри хулоса қилган ҳолда, аҳолининг муаммо билан келишини қутиш ўрнига, жойларга чиқиб, ўзимиз масалаларни ҳал қилишимиз зарур.

Очиғи, жараёни кузатиб, одамларда дадиллик, бандлик, меҳнат ва бандлик, ишга жойлаштириш, тиббий ёрдам олиш сингари масалалардан иборат экан.

Давлатимизда узумчилик яхши ривожланган, бироқ, уни тўғридан-тўғри чет элга экспорт қилишда яхши кўрсаткичларга эриша олаёلمиз. Ана шу йўналишда кўпроқ ишласак, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги қатор масалалар ҳал этилган бўларди. Аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш кўпроқ маҳаллий ҳокимликларга боғлиқ эканини яхши тушунамиз. Бу борадаги камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Юқори Чирчиқ туманидан ҳам 100 нафарга яқин аҳоли ўз муаммоларига ечим излаб, сайёр қабулга келишган.

Шу туманнинг «Болта» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Турғунбой Пирматов ўз яшаш манзили яқинидан ўтган серкани йўлга светофор ўрнатишларини сўраб мурожаат қилган. Бу масала туман ички ишлар идораси мутасаддилари томонидан қаноатлантирилди.

Бахтиёр Ўсановнинг ишга жойлаштириш масаласида қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

БИРИНЧИ
БОСҚИЧДА
ЭММАНУЭЛЬ
МАКРОН
галаба қозонди



Францияда президентлик сайловининг 1-босқичида «Олга» ҳаракати етакчиси Эммануэль Макрон галаба қозонди.

Маълумотларга кўра, овоз бериш бюллетенлари ҳисоб-китоб қилинганда, Макрон 23,75 фоиз, «Миллий фронт» партияси етакчиси Марин Ле Пенд 21,53 фоиз овоз олди. Франсуа Фийон 19,91 фоиз, Жан-Люк Меланшон 19,64 фоиз овоз тўплад.

Макрон галабасини эълон қилар экан, барча сайловда иштирок этган рақибларига миннатдорлик билдирди.

Франция президенти Франсуа Олланд Макрон билан боғлиқ, уни галаба билан таъриқлади.

Эммануэль Макрон 1977 йилда туғилган, 2012-2014 йилларда Президентнинг Бош қотиб ўринбосари, 2014-2016 йилларда Иқтисодий вазир бўлиб ишлаган. 2016 йилдан буён ўзи ташкил этган «Олга» ҳаракатига етакчилик қилмоқда.

Президентлик сайловининг 2-босқичи 7 май куни бўлиб ўтади.

МИСРДА ҚАДИМИЙ МЎМИЁ ТОПИЛДИ



Мисрлик археологлар Луксор шаҳрида фиръавнларга тегишли бўлган янги қабри топишди. Бу ҳақда «Egypt Independent» нашри маълум қилди.

Луксор гарбида жойлашган Подшоҳлар водийсидаги қабристонда топишган қабр фиръавнларнинг 18-сулоласи тегишли бўлган.

Қазилмалар чоғида ўнлаб ёғоч тобулар ва яхши сақланган мўмиё ҳам топишган. Шунингдек, тилла ранг никоблар ва қўлларини кўксига қўйиб турган хайкалчалар ҳам топишган.

Бундан олдин археологлар Қохирадан 26 километр узоқликда жойлашган, Қадимий ва ўрта подшоҳлик фиръавнлари қабристонини, Дахшурда аввал номаълум бўлган пирамиданинг харобаларини аниқлашган. Тахминларга кўра, бу пирамида фиръавнларнинг 13-сулоласи ҳукмронлиги вақтларида қурилган.

МЎЛЖАЛ —

14 минг 491 километр

Германиялик ультрамарафончи Кай Маркус шу йил 12 мартда ўз юртидан Шанхайга йўл олган эди. У 14 491 километр йўлни босиб, финишга 3 ноябрда етиб боришни режалаштирган.

Спортчи апрелда Россияга кириб келди, кейин Қозғистон ҳамда Ўзбекистон орқали Хитойга ўтишни мўлжаллаган. Саёхатчи юртимизнинг Нукус, Хива, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарларидан ўтади.

Кай Баварияда 1972 йилда туғилган. Болалигидан сузиш, чанги спорти, альпинистлик билан шуғулланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 25 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

- 1 АҚШ доллари 3706,22
- 1 ЕВРО 3967,46
- 1 Россия рубли 65,91
- 1 Англия фунт стерлинги 4739,89
- 10 Япония иенаси 336,99
- 1 Исландия кронаси 33,97
- 10 Жанубий Корея вони 32,67
- 1 Қувайт динари 12175,50
- 100 Ливан фунти 245,98
- 1 Малайзия ринггити 842,71
- 1 Норвегия кронаси 431,09
- 1 Хитой юани 538,32
- 1 Сингапур доллари 2656,60
- 1 Швеция кронаси 418,11
- 1 Швейцария франки 3718,12
- 1 БАА дирҳами 1009,05
- 1 Миср фунти 205,33
- 1 Дания кронаси 540,72
- 1 Австралия доллари 2798,94
- 1 Туркия лираси 1023,65
- 1 СДР 5051,92
- 1 Канада доллари 2749,22
- 1 Украина гривнаси 138,64
- 1 Польша злотийси 947,91

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Савоб ишни ҳар кун қилиш керак,
Савоб ишни ҳар ким қилиши керак.

МЕҲР-МУРУВВАТ ТЎЙИ

Меҳр қаердан бошланади? Муҳаббат-чи? Яхшилик, инсонийлик, оқибат-чи? Алишер Навоий ҳазратлари айтишди:

Халқ аро яхшироқ
дединг, кимдур?
Эшитиб, айла
шубҳа рафъ андин.
Яхшироқ бил ани
улус ароким,
Етса кўпрак улусқа
нафъ андин.

Йиқилганни суяш, етимнинг бошини силаш, муҳтожга ёрдам қўлини чўзиш, бемор ва кексаларга кўмак бериш... Қанчалар азиз бу туйғулар, қанчалар юракка яқин. Дилни поклайдиган, қалб зангини кетказадиган бу тушунчалар бугун биров орадан кўтарилгандай. Лекин инсон борки меҳрга, эътиборга ташна. Биз бир-биримизсиз яшолмайдиган халқмиз. Тўйимиз бир, таъзиямиз бир. Оғир-енгил кунларда елкадош, қувончга шерик, ғамни бирга бўлишадиган халқмиз...

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг никоҳ ҳамда бола-ларининг суннат тўйларини ўтказ-



моқда. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги «Оқсув» тўйхонасида эллик нафар боланинг суннат тўйи бўлиб ўтди.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Китоб туманидаги «Мустақиллик» МФЙда истиқомат қилаётган Тўрачўқ Қурбонова. — Ҳасан-Ҳусан ўғилларимнинг тўйини ўтказиб берамиз, деб келишганда, шунчалик суюқимки, қувончимни сўз билан айтолмайман.

— Тўйболаларнинг шодлиги чексиз, — дейди Тўпчоқ Қўйни маслаҳатчиси Раъно Шодиева. — Бизнинг ҳудудда яшайдиган уч оилага фарзандлари суннат тўйини ўтказиш ҳақидаги хушхабарни етказганимизда, ниятда хурсанд бўлишди. Айниқса, тўй болалардан бири Жаҳонгирни онаси Гулшода Тўқлиеванинг суюгани-

ни айтмайсизми? Чунки эри ногирон бу аёл 3 фарзандини ёлғизқўл билан ўстириб келмоқда...

— Қаранг, қандай улуг юрда яшаймиз, — дейди меҳнат фарииси Абдулла Қурбонов. — Ўзим бир умр ўқитувчилик қилганман, 8 фарзандни улғайтириб элга қўшдик. Небарам Абдуқодирнинг суннат тўйини ўтказиб бераётган қайвониларга минг раҳмат.

Ҳаёт ўз оти билан ҳаёт. Умр йўлдоши автохалокат туфайли вафот этган, Шалола Рустамова 4 нафар фарзанди билан ёлғиз қолди. Тўйболалар орасида Шалоланинг ўғли Асилбек ҳам бор.

— Бугунги тўйга меҳнат фаришлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ҳам тақлиф қилганмиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг 70 фоизи аслида туман даражасида ҳал этиладиган муаммолардир.

